O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 23 сентябрь, № 186 (4596) Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар) қуйидаги мазмундаги **$241^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$241^1$-модда. Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш**

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз баравари-гача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **345-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«345-модда. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги**

Барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Жиноят кодексининг 97–103, 141–149, 175, $184^1$, 205–212, 215, 218–221, 230–236, $241^1$, 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 279–302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 150–163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 104–140, 164–166, 168–173, 183, 186–$186^2$, 193–204, 213, 214, 216–217, 222, 224–$229^2$, 243, 244, 245, 247–264, 266–$278^6$-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 167, 176–181, 184, 185–$185^2$, 188–192, $244^1$–$244^3$-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 237–241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Турли дастлабки тергов органлари терговига тегишли жиноят ишлари битта иш юритувига бирлаштирилганда, прокурор терговни олиб боришни оғирроқ жиноят тўғрисидаги жиноят ишининг тергови қайси органга тегишли бўлса, шу органга, жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси тенг бўлганда эса жиноят ишини узоқроқ муддат давомида тергов қилаётган органга топширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳолларда асослантирилган қарорга биноан жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли:

1) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган орган жиноятни ҳисобга олишдан илгари яширган бўлса;

2) жиноят ишининг тергови тегишли бўлган органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг яқин қариндоши иш юзасидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгар деб топилган бўлса;

3) айбсизлиги аён бўлган шахс айбланувчи тариқасида жалб этилганда ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида олдиндан била туриб қонунга хилоф равишда илтимоснома қўзғатилганда;

4) дастлабки терговни олиб боришда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганда;

5) терговнинг натижаларига ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тарзда ушбу Кодекс талаблари бузилганда»;

2) **382-модда учинчи қисмининг**:

**еттинчи хатбошиси** «зарур ҳолларда» деган сўзлардан кейин «ушбу Кодексга мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

(Давоми 2-бетда).

# МУҚАДДАС ЗАМИН ДУРДОНАСИ

**ИККИ ДАЛИЛ:**

**2005 йил 9 ноябрь.**

*Бу кун мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Сабаби — айни шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги тарихий қарорга имзо чекди.*

**2007 йил 7 сентябрь.**

*Юртимизнинг маърифат бешиклари бўлмиш Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари каби Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий Марғилоннинг икки минг йиллик тўйи ҳам тантанали равишда нишонланди. Эртаси куни газеталарда ёзилганидек, қутлуғ тўй сururидан янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этган, қисқа муддат ичида янгитдан бунёд қилинган "Ёшлар хиёбони" марказидаги амфитеатр юбилей шодиёналари иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум бўлди. Ва, табиийки, бу муборак кун муносабати билан нафақат Марғилон шаҳрининг, балки она-Ўзбекистонимизнинг шуҳрати ҳам бутун дунёда янада зиёда бўлди.*

*Булар — аслида Мустақиллигимиз шарофати туфайли, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида маънавий сарчашмаларимиз қайта кўз очганини тасдиқловчи, яъни исбот талаб этмайдиган фактлардир.*



### Водийларни яёв кезганда

**ЭЪТИРОФ**. Шу шаҳарлик қурувчи Камолиддин Йўлдошев ўша қувончли ва унутилмас тарихий кунни эслаб, ўз хотираларини тўлқинланганча шундай ҳикоя қилади:

— Юртбошимиз тантанали маросимдаги нутқида шодиёна иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳолисини, бутун халқимизни қадрдон шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этаркан, "Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўст, ширин сўз ва муомала, одоб-ахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади", деб алоҳида таъкидлади. Ишонасизми, шу паллада бошим нақ осмонга етди-ёв. Айниқса, давлатимиз раҳбари "Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади" деганда эса, Оллоҳнинг назари тушган шу заминнинг фарзанди борки, бари нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний каби алломалар вориси эканлигидан ғурурланиб, фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди, десам, бор ҳақиқатни айтган бўламан.

Камолиддин Йўлдошев билан яқинроқ танишганимиздан кейин, билдимки, у ҳам "бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келадиган" марғилонликларнинг бири экан.

**ФАХР.** "Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 январдаги қарорига мувофиқ, Марғилоннинг буюк фарзанди Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланиб, бу улуғ аждодимиз шарафига шаҳар марказида ёдгорлик мажмуи бунёд этилган эди, — деди Камолиддин ака. — Орадан беш йил ўтгач, Президент қарорига асосан эса, буюк алломамиз, "Ҳидоя" асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний илму урфон ўрганган Пур Сиддиқ мажмуаси, шунингдек, Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, мумтоз шоира Увайсий мақбараси каби бир қатор меъморий обидалар қайта тикланиб, тубдан таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.**



***19 сентябрь куни Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти, Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида "Ижро иши юритишни ислоҳ этиш — давр талаби" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.***

Анжуманда ижро иши юритиш билан боғлиқ маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар, бошқа соҳаларда бўлгани сингари, ижро этишни ислоҳ қилиш жараёни ҳам босқичма-босқич амалга ошириб келинаётганини алоҳида таъкидладилар.

Маълумки, 2001 йил 29 августда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонун суд ҳужжатлари ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш билан бирга, суд ижрочиларини суд ҳокимияти тизимидан ижро ҳокимияти тизимига бериш имконини яратди. Табиийки, бу ижро иши юритиш самарадорлигини янада оширди.

Ислоҳотлар жараёнида Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган эди. Конференция чоғида ушбу департамент фаолиятига ҳам баҳо бериб ўтилди.

Конференция иштирокчилари Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўтган шанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Бухоро вилояти ҳокимлигида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1952 йил 20 декабрь) халқаро нормаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз халқаро ҳамжамият олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини алоҳида эътироф этдилар. Олий Мажлис томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция шу соҳадаги қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этганлиги қайд этиб ўтилди. Шунингдек, Президентимизнинг 1995 йил мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари аёлларимизнинг тиббиётда, халқ таълимида, иқтисодиётда, сиёсатда, жамоат ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, фарзанд тарбиясидаги ўрни ва уларнинг қонунчиликда мустаҳкамланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Жумладан, "Сайловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар учун 30 фоиз квота белгилаш тўғрисида ўзгартиш киритилди. Охирги сайловлар натижасига кўра, аёллар Қонунчилик палатасида 18 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил қилмоқда.

Шу билан бирга, Конвенциянинг қатор нормалари Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилаётган "Аёллар сиёсати тўғрисида", "Аёллар репродуктив саломатлиги тўғрисида"ги янги қонун лойиҳалари, Меҳнат кодексининг гендер экспертизасини ташкил этиш, амалдаги ҳужжатларга аёллар ҳуқуқларига оид ўзгартишлар киритиш, бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтини таъсис этиш, ювенал суд тизимини жорий қилиш сингари муҳим ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда.

* * *

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси матнининг иккинчи ўқишда кўриш учун тайёрланган таҳририга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Маълумки, мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими яратилган бўлиб, у муваффақиятли ишлаб келаётир. Бироқ суғурта бозори ривожланиб бораётган ҳозирги давр ушбу соҳадаги қонунчиликни муттасил такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Шу сабабли суғурта фаолиятининг турли жабҳаларини тартибга солувчи қонунларнинг мукаммал бир тизимини ишлаб чиқиш борасида иш олиб борилаётир. Янги қонун лойиҳаси ҳам ана шу эҳтиёж ва саъй-ҳаракатларнинг ҳосиласи сифатида яратилмоқда.

Шунингдек, қонундаги ҳар бир норма иш берувчи ва ходим ўртасида англашилмовчилик келтириб чиқармайдиган даражада аниқ бўлиши кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, қонундаги ҳар бир сўз, атама ва жумла содда ва равон тилда баён этилиши лозимки, бу ҳам унинг муваффақиятини таъминлайди. Қолаверса, шу талабларга мос келадиган қонун ҳаётда ўз ижросини тез топиши тажрибада синовдан ўтган.

**А. БОЛИЕВ,**
**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

▼ **Тадбир**

***Аввал хабар берганимиздек, кеча мамлакатимизда анъанавий Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ўз ишини бошлади.***

## АКТ ҳафталиги бошланди

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ҳафталик доирасида ўтказилиши режалаштирилган барча тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозир дунёнинг қайси бир ривожланган давлати тажрибасига эътибор қилманг, мазкур соҳа улар иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига гувоҳ бўласиз. Юртимизда ҳам ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ушбу соҳанинг тараққий эттирилиши ва бошқа соҳаларга изчиллик билан татбиқ этиб борилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундан ташқари, ахборотлаштириш жараёни фуқароларимизнинг ҳам ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланишларига имкон яратмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ҳам бу борада амалга

(Давоми 2-бетда).

**2008 йил — Ёшлар йили**

# ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

***Юртбошимизнинг "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори сидқидилдан ўқиб, билим олишга, етук малакали мутахассис бўлиб етишишга аҳд қилган ўғил-қизлар учун яна бир юксак ғамхўрлик ва эътибор ифодаси бўлди.***

Зеро, мазкур қарорга мувофиқ, юбилей тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, "Ёшлар йили" Давлат дастури вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Университетнинг ўқув бинолари тубдан қайта таъмирланиб, талабалар турар жойлари ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар кўркам тус олди. Қолаверса, ёшларимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида қутлуғ тўй олдидан турли маданий-маърифий тадбирлар, йирик анжуман ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Куни кеча "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" шиори остида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган фестиваль ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Тантанали тадбирда она-юрт, истиқлол, дўстлик ва муҳаббат мавзуларида янграган дилбар тароналар кечага ўзгача файз ва шукуҳ бахш этди.

— Фестивалнинг очилиш маросими ёшларимизнинг чинакам маънода дўстлик ва бирдамлик айёмига айланди, — дейди университет докторанти Муродилла Ҳайдаров. — Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан келган фестиваль иштирокчилари кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий университетида эришилган илмий салоҳият ютуқлари, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишдилар. Ёшлар пойтахтимизнинг бош майдони ҳамда диққатга сазовор гўшаларини зиёрат қилдилар. Binобарин, университетнинг қутлуғ тўйи доирасида ўтказилаётган бу тадбирлар ёрқин ва унутилмас таассуротлари ила ёшларимиз қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши тайин.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Сайлов бўлиб ўтди

***Якшанба куни Словенияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.***



"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, унда 30,5 фоиз овоз тўплаб, Словения Социал-демократик партияси ғалаба қозонди. Амалдаги Демократик партия вакиллари эса 29,32 фоиз овоз йиққан.

Шундай қилиб, 90 ўринли парламентдан 29 жой Социал-демократик партияга, 28 ўрин эса демократларга насиб этадиган бўлди.

Мазкур жараёнда жами сайловчиларнинг 62,12 фоизи қатнашди.

## Номзод тасдиқланди

***Кеча Япония либерал-демократик партияси мамлакат бош вазирлигига ўз етакчисини танлади.***



"AFP" хабарида айтилишича, бош вазир лавозимига собиқ ташқи ишлар вазири Таро Асо номзоди тасдиқланган. Аввалги бош вазир Ясуо Фукуда шу йилнинг 1 сентябрь куни истеъфо берганидан сўнг ҳукумат раҳбарлигига Асо номзоди ягона бўлиб келаётган эди.

## Қўпорувчилик ҳаракати

***Кеча Испания шимолидаги Сантона шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.***



"TVE" маълумотларида келтирилишича, портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлган. Яна беш нафар фуқаро жароҳатланган. Улардан бирининг аҳволи оғир.

Полиция вакилларининг сўзларига кўра, портловчи қурилма автомобилга ўрнатиб кетилган экан.

## Қимматбаҳо топилма



***«Рейтер» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Лесото қироллигининг Летсинг ҳудудидан оғирлиги 478 карат бўлган олмос тош топилган.***

Уни Буюк Британиянинг «Gem Diamonds» компанияси кончилари топишга муваффақ бўлишган.

Компания вакилларининг сўзларига қараганда, ушбу қимматбаҳо тошдан 12 миллион АҚШ долларига тенг зеб-зийнатлар тайёрлаш мумкин.

Экспертларнинг билдиришича, Летсинг қимматбаҳо тошларга бой ҳудуд бўлиб, дунёдаги 20 та энг йирик олмосдан тўрттаси айнан шу ердан топилган.

## Самолёт ҳалокатга учради

***Мозамбикда шахсий самолёт ҳалокатга учради, дея хабар беради «Франс-пресс» ахборот агентлиги.***



Фожиа оқибатида етти киши қурбон бўлган. Улар Жанубий Африка Республикаси фуқаролари экани айтилмоқда.

Самолётнинг ҳалокатга учрашига ундаги ёнилғи етишмовчилиги сабаб бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Тил маркази иш бошлади

***Учқудуқ туманида "Тил ўргатиш маркази" иш бошлади. Мазкур марказ бевосита туман ҳокимлигининг 2008 йилга мўлжалланган мақсадли дастури асосида ташкил қилинди.***

Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларга дарсдан бўш вақтларида хорижий тилларни ўргатишдир. Шунингдек, ўқувчи ёшлар танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига тайёрлаш босқичини ҳам шу ерда ўташади.

Тумандаги корхона ва ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдамлари асосида марказ компьютер ва лингафон ускуналари билан жиҳозланди.

**Райхон ҚОДИРОВА.**
Учқудуқ тумани

# ФЕРМЕРЛАР ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН МАМНУН

*Мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари – фермерларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар, хусусан, хизмат кўрсатиш тизимининг тобора такомиллаштирилаётгани тармоқ ривожида қўл келаётир.*



**Хизмат**

Биргина ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотини олиб кўрайлик. Бу маҳсулотларнинг тўғридан-тўғри дала бошига етказиб берилиши, аввало, фермернинг вақти, қолаверса, сарф-харажатларни тежаш имконини берди.

"Тахиатош нефть базаси" унитар корхонаси тасарруфида 76 та фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси (ФЁТШ) мавжуд. Улар 4238 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда.

— Шу йилнинг ўтган 7 ойи давомида корхонамиз томонидан фермер хўжаликларига жами 8737 тонна, шунингдек, хом ашё биржасидан тикетлар орқали сотиб олинган 255 тонна дизель ёнилғиси етказиб берилди, — дейди корхона раҳбари Бозорбой Сейтимбетов. — Филиалларимиз ва уларнинг жойлардаги барча шохобчаларида фермерлар учун зарур шарт-шароитлар яратилгани туфайли ишимиз осон кечаяпти.

Дарҳақиқат, биргина Қўнғирот филиали Қўнғирот, Қанликўл, Шуманай ва Мўйноқ туманларидаги 1040 га яқин фермер хўжалигига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Филиал етакчиси Хайнаддин Юсуповнинг таъкидлашича, мавжуд 22 та шохобчада 20 дан зиёд техника ва механизмлар ишлаб турибди.

— Бизга "4-Қўнғирот" ФЁТШ ёнилғи етказиб беради, — дейди Қўнғирот туманидаги "Мустақиллик" фермер хўжалиги раҳбари Қувват Ўтеков. — Уларнинг хизматидан мамнунмиз. Нега деганда, ёнилғини ўз вақтида олаяпмиз. Бу ишимизнинг маромида кетишини таъминламоқда. Дейлик, ҳозир 31 гектар ердаги пахтамиз қийғос очилган. Бу, албатта, ишловнинг вақтида ўтказилганидан, трактор ғўза қатор ораларидан тўхтовсиз юриб тургани натижасидир.

Корхона ва унинг филиалларида фаолият юритаётган ишчи-хизматчилар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, фермерлар оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ РЕЕСТРИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. Акциядорлик тижорат «Пахта банк».
6. Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк».
7. Очиқ акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак Йўли» очиқ акциядорлик инновация тижорат банки.
12. «Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки.
13. «Капитал банк» акциядорлик-тижорат банки.
14. «Кредит-Стандарт» очиқ акциядорлик-тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки.
16. «Парвина-банк» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
17. «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
18. «Туркистон» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат инвестиция банки.
19. «Давр-банк» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
20. «Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
21. «Самарқанд» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
22. «Универсал банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
23. «Равнақ-банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
24. «Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
25. «ЎзКДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
26. Ўзбек-Турк қўшма банки «ЎТ-Банк».
27. «АБН АМРО Банк Ўзбекитон МБ, ХЖ».
28. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

**Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.**

**Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган**

## «Ватан ягонадир, Ватан биттадир»

**мавзусидаги энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар танловининг республика якуний босқичида қуйидагилар ғолиб деб топилди:**

**Биринчи ўрин: *«Уйғонсин»***
Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси,
Иқбол Мирзо сўзи.
Ижрочи — Гулзода Худойназарова.
*(Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси)*

**Иккинчи ўрин: *«Ватан надур»***
Рустам Абдуллаев мусиқаси,
Минҳожиддин Мирзо сўзи.
Ижрочи — Шаҳноза Атабоева.
*(Бастакорлар уюшмаси)*

**Учинчи ўрин: *«Ўзбекистон»***
Алишер Икромов мусиқаси,
Иқбол Мирзо сўзи.
Ижрочи — Асатилло Холиқов.
*(Сирдарё вилояти)*

Юксак ижро маҳорати билан ажралиб турган хонандалар, бадиий жиҳатдан мукаммал ёзилган шеър муаллифлари ва ўзига хос услубдаги мусиқа асари муаллифлари **йигирма битта рағбатлантирувчи** мукофотга сазовор бўлишди.

**Ҳамкорлик**

## Парранда — етти хазинанинг бири

***Тошкентда паррандачиликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги паррандачилик фирмалари раҳбарлари ва шу йўналишда фаолият кўрсатаётган фермерлардан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон давлатларининг бир қатор фирма ва компаниялари мутахассислари иштирок этди.***

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу нуфузли анжуман бежиз Ўзбекистонда ўтказилмади. Мамлакатимизда тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, хорижлик ҳамкорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит қўшни давлатлар ишбилармонларининг юртимизга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Президентимизнинг чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган иккита қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга кўра, тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмалар, фермер хўжаликлари, айниқса, наслчилик билан шуғулланаётган корхоналарга имтиёзлар берилди. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, соҳани модернизация қилиш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ишлари жадал олиб борилаётир. Бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Масалан, илгари ҳар товуқдан йилига 250 дона тухум олинган бўлса, ҳозирги кунда аксарият корхоналарда бу кўрсаткич 300-310 донага етказилди. Бу Европа стандартларига тўла мос келади.

— Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди «Тожикистон парранда парвариши» давлат унитар корхонаси бош директори Машокир Назаров. — Нафақат товуқ гўшти, балки наслчилик материаллари ҳам оламиз. Тошкентдаги семинар алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки кўплаб янги ҳамкорлар топдик.

Семинар доирасида Россия ва Украина давлатларининг «Авивак», «Техно» сингари кўплаб компания ва фирмаларининг замонавий технологияларининг тақдимоти ҳам бўлди.

Иштирокчилар мамлакатимизнинг паррандачилик тармоғи билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқанддаги паррандачилик корхоналари ва хўжаликларида бўлишди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1 - ЛОТ КОМПЬЮТЕР 40 ДОНА
Intel Pentium Dual Core (E2140) 1.6 GHz /Socket 775 MSI P965Neo-F V2/ 512 MB DDR2 / 160 GB HDD/ DVD-RW/ Video, Audio&LAN onboard/ Mouse optic scroll/ Keyboard/Monitor 17' CRT LG — кафолат муддати 2 йил



2 - ЛОТ ПРИНТЕР - 15 ДОНА
Canon 3228 (бирда 3) — кафолат муддати 2 йил



Ташкилот ва корхоналар улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши шарт. Оферта (хатлар) муҳрланган ҳолда, қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 18-уй.
Тел: (+99871) 239-83-42, 239-42-04. E-mail: devonhona@antimon.uz

Хатлар 2008 йил 30 сентябрь соат 18.00 гача (маҳаллий вақт) қабул қилинади.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259.
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru

«САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИ
Хизматлар лицензияланган



ЖАМОА ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК
ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН! DOKTOR -SERVIS
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТУРЛИ ХИЛ ИЖТИМОИЙ ПАКЕТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+»
Бир йил давомида етакчи мутахассислар маслаҳатлари — БЕПУЛ.
Лабораторияда ва даволаш воситалари билан текширувлар ўтказиш, мутахассисларнинг уйда берадиган маслаҳатлари ва тез тиббий ёрдам учун чегирмалар.
«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИНИ ходимларингиз учун сотиб олсангиз, уларнинг соғлиқларига кафолат, эртанги кунларига ишонч тортиқ қилган бўласиз.
Тел.: 277-0000, 288-5000, 120-7731, факс: 273-0090. e-mail: doktor@sarkor.uz

"TOSOL-N" МЧЖ
Маҳсулот сертификатланган
ИЧКИ ЁНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН
ОЖ русумли совитувчи суюқлик - антифриз ишлаб чиқаради «TOSOL- А30 ,А40, А65, TOSOL- АМ концентрат»
Мазкур маҳсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, у ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камроқ занглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Маҳсулот мижознинг хоҳишига қараб 5 кг, 10 кглик идишлар ва 200 литрли бочкаларга қадоқланади
ТЎЛОВ УСУЛИ - НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Манзилимиз: Тошкент шаҳри Исмоил ота кўчаси, 1-уй.
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика нейрохирургия илмий маркази бош врачи Дониёр Миразимовга отаси **Ботир МИРАЗИМОВнинг** вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ишлар бошқармаси ходими Қумри Қосимовага турмуш ўртоғи **Мурод ҚОСИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори Мухтор Расуловга ўғли **Равшан РАСУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЖАҲОНГАШТА





**Япониялик Даисуке Наканишини бугун жаҳоннинг 115 дан ортиқ давлатида кўпчилик яхши танийди. Сабаби, 1998 йилнинг июль ойида дунё бўйлаб велосипедда саёҳат қилишни бошлаган Даисуке ҳозирга қадар ана шунча мамлакатда бўлиб, минглаб дўстлар орттирди. Улар орасида энди Ўзбекистон ҳам бор. Чунки жорий йил сентябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида у мамлакатимизда меҳмон бўлди.**

Ўқинг, қизиқ!

Кунчиқар юрт вакилининг айтишича, у бу саёҳатга олти йил — 1992 йилдан то 1998 йилга қадар тайёргарлик кўрган. Бу вақт ичида Даисуке асосан маблағ йиғиш билан шуғулланган. Чунки ушбу саёҳат учун лозим бўлган барча харажатларни у бирор бир ҳомий ёрдами билан эмас, балки ўз ҳисобидан амалга ошириши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Лекин бунинг эвазига у оила қуриш, шахсий уй ва машина сотиб олиш каби масалаларни бироз кечроққа қолдиришига тўғри келди. Жаҳонгашта ҳозирча ана шу қароридан афсусда эмаслигини ҳам билдирмоқда.

Даисуке ўз саёҳатини бундан ўн йил муқаддам Шимолий Америка давлатларидан бошлаган. Шундан сўнг Америка қитъасининг жанубий қисми, кейин Европа ва Африка мамлакатларини кезган. Ҳозирда у Осиё давлатлари бўйлаб ўз саёҳатини давом эттирмоқда. Бугунга қадар Даисуке нақд 134 минг 800 километр масофани велосипедда босиб ўтди. Бу узоқ муддатли саёҳати давомида у кўпгина машҳур кишилар, давлат арбоблари билан ҳам учрашишга муваффақ бўлди. Масалан, 2005 йили Бразилияда бўлганида афсонавий футболчи Пеле билан кўришди. Бундан ташқари, саёҳатчи ҳақида хорижий оммавий ахборот воситалари ҳам қатор маълумотлар бериб боришмоқда.

— Ҳозиргача қайси бир давлатда бўлган бўлсам, ҳар бири ўзига хослиги билан хотирамдан чуқур жой олди, — дейди биз билан суҳбатда Даисуке Наканиши. — Ўзбекистон тўғрисида айтадиган бўлсам, мамлакатингиз ҳақида аввалданоқ китоб ва қўлланмалар орқали яхши хабардор эдим. Фақат ўз кўзим билан кўриш орзуим бўлгани учун саёҳат қилмоқчи бўлган давлатларим қаторига юртингизни ҳам киритдим. Адашмаган эканман. Дастлаб Бухоро, кейин Самарқанд ва Тошкентни айландим. Жуда чиройли. Айниқса, тарихий шаҳарларингиздаги ёдгорликлар мени ҳайратда қолдирди. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу гўшалар, чиндан ҳам, қадимда жуда ривожланганига яна бир карра амин бўлдим.

Ўзбекистон халқининг очиққўнгиллиги, меҳмондўстлиги мени хурсанд қилди. Қаерга бормайин, кулиб, худди ўз қадрдонларидек қарши олишди. Саёҳатчи учун бу жуда муҳим. Яна бир қизиқ томони, учта шаҳарда ҳам япониялик юртдошларимни учратдим. Улар билан суҳбатлашдим. Ҳаммаси катта таассурот билан юришибди. Бу Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар яхши эканидан далолатдир.

Ўзбек таомларидан шўрва, мастава, манти, паловни татиб кўрдим. Менга жуда ёқди. Бундан ташқари, сизларда меваларнинг таъми ҳам бошқа жойлардагига қараганда мазали экан. Шу каби Ўзбекистонда кўрганларимни яхши ниятда ён дафтаримга қайд қилиб қўйдим, суратлар олдим. Бу юрт таассуротлари бир умрга ёдимдан кўтарилмайди. Ниятим, саёҳатим давомида бутун дунёдан 1 миллион нафар дўст орттириш. Шубҳасиз, улар орасида ўзбекистонликлар ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Даисуке Наканиши билан илиқ хайрлашдик. Дарвоқе, унинг велосипедда қилаётган саёҳати ҳали якунига етганича йўқ. Айтишига қараганда, Осиёнинг қолган давлатлари ҳамда Австралияни кезиб чиққанидан сўнг, у борган мамлакатлар сони тахминан 130 тага етади. Бунинг учун эса яна 2 йил керак. Ана шунда у дунё бўйлаб 12 йил кезган ва 2010 йилда ўз юртига қайтган бўлади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ Туризм

***Шу йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда "Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм" деб номланган Тошкент Халқаро туризм ярмаркаси бўлиб ўтади.***

## ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ТИЖОРАТ

Ўн тўртинчи маротаба ташкил этилаётган ушбу анъанавий тадбир Марказий Осиёдаги энг йирик сайёҳлик кўргазмаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда ушбу халқаро ярмаркага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент Халқаро туризм ярмаркасининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўтган йилги тадбирда турли мамлакатлардан 200 дан ортиқ сайёҳлик компаниялари ва фирмалари иштирок этишган бўлса, бу йил уларнинг сафи янада ошиши кутилмоқда. Айни пайтда Латвия, Кипр, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Вьетнам, Украина, Озарбойжон, Россия ва қўшни мамлакатлардан кўплаб сайёҳлик компаниялари унда қатнашиш истагини билдирдилар.

Ушбу кўргазма мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги салоҳиятини намойиш этиш билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга ҳам катта хизмат қилади.

**Ю. УЛАШОВ.**

▼ Маҳалла — маънавият ўчоғи

# АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

***Турмушимизнинг долзарб ташаббуслари маҳаллада туғилади, десак тўғри гапни айтган бўламиз. Бунинг сабаби оддий: оқсоқоллар кўпчиликка нафи тегадиган янгиликларни тезроқ оммалаштиришга интилишади. Шу боис, одамлар ўз таклифларига қаратилаётган эътибор, қўллаб-қувватлашни кўриб, уни тезда рўёбга чиқариш пайида бўлишади.***

Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилингани бу борада таклифу ташаббусларнинг янада ортишига замин яратаяпти. Мисол учун, "Янгишаҳар" маҳалла йиғини раиси Сожидахон Тожибоева мана шундай ташаббуслар орқали йигит-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишда талайгина ишларни амалга оширди. Ҳудуддаги кичик бизнес эгаларининг унга яқиндан кўмак беришгани, ҳунармандчилик тобора равнақ топаётгани натижасида ўтган ярим йилда 34 та янги иш ўрни яратилди. У иқтидорли хотин-қизлар ўртасида "Шарқ гўзали" кўрик-танловининг туман босқичини ўз маҳалласида ўтказиш таклифи билан чиқди. Бу фикр кўпчиликка маъқул тушди. Тадбирда нафақат ҳунармандчилик, балки санъатга ошно кўплаб ёшлар иштирок этди. Уларнинг энг улуғ, энг азиз байрамга атаб тайёрлаган бадиий дастури даврага ўзгача сурур бағишлади...

Фарзанд ўғилми, қизми — унинг интилишларини рағбатлантириш, яхши суҳбатдошга ошно этиш, муҳими, онгида ёт ғояларга ўрин қолдирмаслик даркор. "Исвахон" маҳалласидаги ёшлар марказида "Компьютер сабоқлари" курси йўлга қўйилган. Уни 80 дан зиёд ўғил-қиз битириб, тегишли сертификат олди. "Янгиобод" маҳалласидаги марказда эса миллий кураш ишқибозлари тўпланган. Бу ерда истиқлол байрамига бағишлаб уюштирилган "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақасида шу ерлик 350 нафар курашчи майдонга тушди. "Еттикон"даги тўгарак қатнашчилари тиккан кашталарга эса ҳавасингиз келади.

"Бир болага етти маҳалла ота-она" мақоли амалда исботини топган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маҳаллаларда тарбияси оғир, ҳар бири билан алоҳида шуғулланиш тақозо этиладиган болалар ҳам борки, улар тақдирига бефарқ бўлиш ярамайди. Туманимизда 128 нафар бола вояга етмаганлар назорати рўйхатида туради. Аслида, уларнинг бу ҳолга тушиши фаолиятимизнинг қайсидир қиррасидаги бўшлиқ ёки ножўя ишни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, аниқроқ айтганда, лоқайдлигимиз натижасидир. Қайсидир қилмиши билан тенгдошларидан ажралиб қолган бу болаларнинг ҳар бирига алоҳида жамоатчи мураббий тайинлаганмиз. Улар болаларнинг ўқиши, юриш-туришидан доимо бохабар бўлиб туради.

Маҳалланинг кучи фуқароларнинг жипслиги, аҳил-иноқлигида. Азалий қадриятлар, ҳашар, тўй, байрамларда жуда-жуда бўй кўрсатади. Айниқса, байрамлар арафасида ҳар гўша тўйхонага айланиб, кишилар ўртасида меҳр-оқибат тобора кучаяётгани, энг эзгу туйғуларни барча бирдай баҳам кўришга интилаётгани ҳам, аслида, шундан.

**Ҳабибулло УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармасининг Тўрақўрғон тумани бўлими раиси.**

## Совриндор ҳунармандлар

***Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ ҳунармандлари Тошкентда ўтказилган кўргазмали савдо ярмаркасида иштирок этишди.***

▼ Ифтихор

Миллий чолғу асбоблари устаси Жаҳонгир Ҳайдаров ва уста-наққош Иброҳим Жўраевлар ярмарканинг нуфузли совринлари, дипломлари билан тақдирландилар.

Ҳунармандлар айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан уюштириладиган кўргазмали ярмаркага тайёргарлик кўришмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**
**2008 йилнинг IV чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**
**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ**
**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 26 сентябрь куни соат 17.00 гача.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

**17-21 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасига йиғилган таэквондо ишқибозлари қизиқарли баҳсларнинг гувоҳи бўлишди. Бу ерда Халқаро таэквондо федерацияси (ITF) йўналиши бўйича ёшлар ўртасида саккизинчи ва фахрийлар ўртасида учинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ



Эътиборлиси, мазкур беллашувларда мамлакатимиз спортчилари ўзларининг юқори жисмоний тайёргарликка ва юксак иқтидорга эга эканликларини амалда яна бир карра исботлашди. Турнирда Жанубий Африка Республикаси, Россия, Испания, Германия, Австрия, Чехия, Болгария, Нидерландия, Аргентина, Австралия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон каби жами эллик уч мамлакатдан беш юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Беллашувлар якунида 17 та олтин, 14 та кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Спортчиларимиздан Дмитрий Шокин, Ситора Нишонова, Фарҳод Рустамов, Луиза Сагитова, Ринат Султонбеков, Феруза Султонгариева, Евгения Лим, Фахриддин Умаров, Комил Шукуровнинг чиқишлари мухлислар томонидан юқори баҳоланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни Корея Халқ Демократик Республикаси, учинчи поғонани эса Россия спортчилари банд этишди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қарши шаҳридаги Марказий теннис кортида биринчи бор хотин-қизлар ўртасида ITF тснифига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.**

## Кортда хотин-қизлар

**Соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган спортчилар билан бирга мамлакатимизнинг кўплаб умидли ракетка усталари ҳам ўз имкониятларини синаб кўришди.**

**Якҳалик ўйинларининг финалида австриялик Никола Хофманова ва россиялик Елена Куликова баҳс олиб борди. Унда рус теннисчисининг қўли баланд келди. Жуфтлик беллашувларининг бош соврини эса ҳамюртларимиз Албина Хабибулина ва Александра Колесниченкони мағлубиятга учратган болгариялик Има Бохуш ва украиналик Леся Цуренкога насиб этди.**

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Эркин кураш турнири

**Андижондаги спорт коллежида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича водий вилоятлари очиқ турнири бўлиб ўтди.**

Эътиборлиси, мусобақада бу гал Тошкент шаҳридан келган полвонлар ҳам иштирок этишди.

Муросасиз ўтган баҳсларда андижонлик Муслим Абдурашидов, Жасур Қурбонов, тошкентлик Баҳром Тешабоев, Достон Турсуналиев, Салоҳиддин Нажимовларнинг қўли баланд келди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўйиндамас, кўчада жароҳатланди



***Риганинг «Динамо» хоккей жамоаси дарвозабони Эдгар Масальскис безорилар томонидан калтаклаб кетилган.***

«DELFI» агентлигининг хабар беришича, спортчи жиддий жароҳат олган. У ўтган ҳафтада Минтақалараро хоккей лигаси (МХЛ)нинг энг яхши посбони сифатида эътироф этилганди. Масальскис 138 дақиқаю 54 сония давомида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолиб, МХЛда рекорд ўрнатганди.

Клуб маъмурлари воқеа юзасидан жиддий суриштирув ўтказишни сўраб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишган.

## Эзгулик ҳамиша ғолиб

▼ ТЕАТР

Жиззах вилоят қўғирчоқ театри ижодкорлари навбатдаги мавсумни болаларнинг севимли эртаги "Ур, тўқмоқ!"ни саҳналаштириш билан очди. Спектаклда инсонларнинг табиатга, ҳайвонот оламига бўлган меҳр-муҳаббати, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси таъсирли баён этилган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 8